

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ЮРИТИШДА ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ АГЕНТИЛИГИНИНГ РОЛИ

Хакимова Римма Наримановна

Буюк Петр номидаги Санкт-Петербург

политехника университети магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10521097>

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсати даражасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда ушбу йўналишда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолиятининг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари атрофлича тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар. Меҳнат миграцияси, ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, ҳуқуқий ҳимоя, касбга тайерлаш.

Бугунги кунда биз мамлакатлар ўртасида мисли кўрилмаган инсонлар миграцияси оқимининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) маълумотларига кўра, халқаро мигрантлар сони дунё бўйлаб қарийб 272 миллион кишини ташкил этади¹, уларнинг деярли учдан икки қисми меҳнат муҳожирларидир.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлат миграция сиёсати узвий ва объектив равишда белгиланган фаолият сифатида қаралади. Бу Ўзбекистон учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон меҳнат бозорининг жадал глобаллашуви шароитида Ўзбекистон Республикаси учун ташқи меҳнат миграцияси соҳасининг ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш масаласи устувор аҳамият касб этади. Ўзбекистон МДҲ ва бошқа мамлакатлар меҳнат бозорида энг йирик меҳнат ресурслари етказиб берувчиларидан бирига айланганини ҳисобга олсак, бу долзарблик айниқса яққол кўзга ташланади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 55 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этиши, ҳар йили 700 мингга яқин кишининг меҳнатга жалб этилиши бу масаланинг муҳимлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон давлат органлари томонидан бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Таҳлиллар давлат меҳнат миграцияси соҳасида сиёсатни шакллантириш бўйича салмоқли ишларни амалга оширди, тегишли қонунчилик ва институционал таъминотни ишлаб чиқди, деган хулосага келиш имконини беради. Бу соҳада давлат сиёсатининг асосий тамойиллари шакллантирилиб, самарали тартибга солиш учун қонун ҳужжатлари мажмуини шакллантириш бошланди.

Ўзбекистон ташқи меҳнат миграцияси масалаларида фаол иштирок этаётган давлатлардан бири сифатида бу борадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш бўйича қатъий қадамлар ташламоқда. У фуқароларнинг меҳнат миграциясини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқмоқда, шу жумладан, фуқароларни хорижда ишлашга ёллаш бўйича шартномалар тузиш ва уларни иш жойига хавфсиз етказиб бериш учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Ташкиллаштирилган ҳолда ишга юбориш учун шартномалар тузиш, қулай шарт-

¹ Доклад о миграции в мире 2020 // Электронный ресурс: <https://www.iom.int/wmr/>, режим доступа открытый, дата обращения 21.12.2020г.

шароит яратиш каби чора-тадбирлар кўрилатганига қарамай, меҳнат миграцияси соҳасида бир қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Ноқонуний миграциянинг сезиларли оқими сақланиб қолмоқда, фуқароларни хорижда ташкилий равишда ишга жойлаштириш даражаси пастлигича қолмоқда. Хориждан қайтганларни иш билан таъминлашда ҳам қийинчиликлар мавжуд².

Меҳнат миграцияси жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги таркибида ихтисослаштирилган тузилмалар ташкил этилди: Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Фуқароларни хорижга ишга жойлаштириш бўйича агентликнинг ҳудудий филиаллари, Хорижга чиқаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдин мослаштириш марказлари, Агентликнинг хориждаги ваколатхоналари ва вакиллари, шунингдек, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамғармаси шулар жумласидандир. Мазкур чора-тадбирлар маълум даражада мазкур соҳада давлат бошқаруви сифати ва самарадорлигини ошириш, меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга хизмат қилди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда шуни таъкилаш жоизки, ташқи меҳнат миграциясини нафақат мамлакат аҳолиси ижтимоий ҳаётининг кўплаб ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан ажралиб турадиган муҳим соҳаси, балки давлат фаолиятининг мустақил соҳаси, давлат бошқарувининг алоҳида объекти сифатида ҳам кўриб чиқилиши лозимдир³.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ташқи меҳнат миграцияси соҳасида бевосита бошқарувни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни (9-модда) ва ҳукумат қарорига кўра, Агентлик чет эл иш берувчилари билан меҳнат мигрантларини жалб қилиш тўғрисида шартномалар ва фуқароларни Ўзбекистондан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятига уюшган ҳолда жалб қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартномалар тузиши шарт. Шу билан бирга, фуқароларнинг республикадан ташқарида иш билан таъминланганлик шартлари, уларга тегишли иш ҳақи, муносиб турмуш ва меҳнат шароитлари билан таъминлаш меъёрларига риоя этилишини кафолатловчи мониторинг ва назоратни амалга оширади⁴.

Шундай қилиб, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсати, бизнинг фикримизча, давлат фаолиятининг алоҳида соҳасини ифодалайди. Бу сиёсат, ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ахборот, кадрлар ва бошқалар каби турли жиҳатлардаги мақсад, вазифалар, тамойиллар ва чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Шунингдек, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари

² Мухаммедов М. Меҳнат мигрантлари: муаммо жиддий, лекин ечими йўқ эмас. Иккинчи мақола / <https://kun.uz/news/2020/09/15/mehnat-migrantlari-muammo-jiddiy-lekin-yechimi-yoq-emas-ikkinchi-maqola>, режим доступа свободный.

³ Бондырева С.К., Колесов Д.В. Миграция (сущность и явление). М.: Воронеж, 2004 г. – С.39

⁴ Закон Республики Узбекистан «О занятости населения» / Национальная база данных законодательства, 20.10.2020 г., № 03/20/642/1396; 02.04.2021 г., № 03/21/681/0264; Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 31 декабря 2018 года № 1066 «О мерах по совершенствованию деятельности Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан» / Национальная база данных законодательства, 31.12.2018 г., № 09/18/1066/2428, 09.07.2019 г., № 07/19/566/3396, 07.09.2019 г., № 09/19/743/3710; 17.04.2020 г., № 09/20/234/0453.

ва эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган амалий ишларни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги «Ўзбекистон республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорига мувофиқ

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уюшган ҳолда танлаш, тайёрлаш, мослаштириш тадбирларини ўтказиш ва хорижда ишга жойлаштириш жараёнларини самарали бошқариш ва назорат қилиш орқали уларга хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланишга доир ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашиш;
- ташқи меҳнат миграциясини комплекс таҳлил қилиш, шу асосда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларни ишга жойлаштиришда кўмаклашиш;
- меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш ва уларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш жараёнларини тартибга солиш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш;
- хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти учун тасдиқномаларни белгиланган тартибда бериш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилаётган хорижий фуқароларнинг ҳисобини юритиш агентликнинг асосий вазифалари⁵ бўлиб ҳисобланади.

Ушбу ваколатлар доирасида 2023 Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, номзодларни касб ва чет тилига ўргатиш бўйича хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш янги босқичга олиб чиқилди.

Ўзбекистон ва Германия Ҳукумати ўртасида “Миграция ва мобиллик тўғрисида ўзаро Аҳдлашув декларацияси” имзоланди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қатар давлати Ҳукумати ўртасида ишчиларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида Келишув” имзоланди.

Меҳнат миграцияси йўналишларини диверсификация қилиш, хорижий давлатларга кўпроқ фуқароларни ишга юбориш ва касбий малакани баҳолаш мақсадида 21 та хорижий давлатнинг ваколатли ташкилотлари вакиллари билан 50 дан ортиқ музокаралар ўтказилди.

“Ўзбекистон Республикасининг меҳнат миграцияси соҳасидаги салоҳияти” мавзусида форумлар ташкил этилди ва амалий келишувларга эришилди.

Саудия Арабистони билан 2024 йилдан бошлаб 100 минг нафар Ўзбекистонлик

⁵ Положение об Агентстве по внешней трудовой миграции при Министерстве занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан. Утверждено Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию и коренному пересмотру системы организованного трудоустройства граждан Республики Узбекистан за рубежом» // Национальная база данных законодательства, 13.09.2018 г., № 09/18/725/1874; 31.12.2018 г., № 09/18/1066/2428, 11.08.2019 г., № 09/19/661/3571; 01.01.2020 г., № 07/20/4555/4257, 04.06.2020 г., № 10/20/3238/0712; 03.12.2020 г., № 09/20/764/1591.

малакали мутахассисларни САП меҳнат бозорига олиб кириш, уларнинг иш берувчилар талабларига кўра қайта тайёрлашга келишилди.

2023 йилда хорижий иш берувчилар ва рекрутинг агентликлари билан Ўзбекистондан ишчи кучини жалб қилиш бўйича 118 та шартнома имзоланди ва жами келишувлар 268 тага етказилди.

Шу билан бирга Агентлик фуқароларнинг Ўзбекистондан ташқарида меҳнат шaroитлари мониторингини олиб боради, мигрантларнинг меҳнат ҳуқуқларини, шу жумладан, улар ишлаётган мамлакатда тегишли иш ҳақи, муносиб турмуш ва меҳнат шaroитларини кафолатловчи стандартларга риоя этилишини назорат қилади.

Шундай қилиб, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсати давлат фаолиятининг алоҳида соҳасини ифодалайди. У сиёсат, ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ахборот, кадрлар ва бошқалар каби турли соҳалардаги мақсад, вазифалар, тамойиллар ва чора-тадбирлар тизимини қамраб олади. Ушбу сиёсат меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳимоя қилиш бўйича амалий ишларни ҳам ўз ичига олади.

Мазкур сиёсатни амалга ошириш доирасида агентлик томонидан 2023 йил давомида Хорижга вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 133 минг нафар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғи субсидия ҳисобига суғурта қилинди, 2713 нафар фуқарога тижорат банклари ва иш берувчилар томонидан микроқарзлар берилди.

Суғурта самарадорлигини ошириш мақсадида суғурта ҳодисалари бўйича кўрсатиладиган хизматлар 3 тадан 6 тага кўпайтирилди.

Меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш натижасида аниқланган иш ўринларини тўлдириш учун номзодларни мақсадли тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан:

а) Хорижда ишлаш истагида бўлган 58,2 минг (прогноз 105,9 фоизга бажарилди) нафар фуқаролар касб-хунарга (56,7 минг) ва чет тилларига (1,5 минг) ўқишга жалб қилинди.

б) 10 та хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда республикаимиз ҳудудларида 48 та курслар фаолияти йўлга қўйилди. Уларда бугунги кунда 2 мингга яқин фуқаро ўқитилмоқда. Курсларни тугатган 324 нафар фуқаро хорижга ишга юборилди.

в) Европа давлатларида юк автомобили ва бошқа тоифадаги ҳайдовчилар учун аниқланган 11 минг иш ўрнини тўлдириш учун хорижда ишлаш истагида бўлган Ўзбекистон фуқаролари “Ватанпарвар” ташкилотининг республика ҳудудларидаги курсларида ўқитилмоқда.

г) Қирол Сежонг корейс тили маркази – (KSIF) билан республика ҳудудларида фуқароларни “офлайн” ўқитишга ихтисослашган корейс тили курслари, Тошкент ва Наманган шаҳарларида Ўзбекистон фуқароларини “онлайн” тартибда дастлаб корейс тилига, кейинчалик бошқа тилларга ўқитишга ихтисослашган студиялар ташкил этилмоқда.

Хориждаги меҳнат мигрантларини ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Ташқи меҳнат миграция агентлиги ваколатхоналари ва вакиллари, консуллик муассасалари томонидан 1 448 та корхонада ишлаётган

167 минг нафардан ортиқ меҳнат мигрантлари фаолияти мониторинг қилинди.

Жумладан, жорий йилнинг июн-июль ойларида вазирлик ва агентликнинг 44 нафар ходимлари Россия, Қозоғистон, Туркия ва Корея давлатларида хизмат сафарида бўлиб, 766 та объектда 67,7 минг ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг меҳнат ва яшаш шароитлари ўрганилди.

Август-ноябрь ойларида ишчи гуруҳини Буюк Британия, Руминия, Туркия, Латвия, Литва, Корея, Япония, Россия, Қозоғистонга 20 та хизмат сафари ташкил этилиб, 110 та корхонада ишлаётган 18 мингдан ортиқ меҳнат мигрантларининг яшаш ва меҳнат шароитлари ўрганилди.

2023 йилда хорижий давлатларда бўлиб турган 226 минг нафар меҳнат мигрантининг 13 минг нафарига ҳуқуқий, 3 минг нафарига моддий ва 13 минг нафарига ижтимоий ёрдамлар ҳамда 197 минг нафарига ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатилди.

Шундай қилиб, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги фаолиятини таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг қуйидаги тенденциялари мавжудлигини кўрсатмоқда:

- хавфсиз ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ўзгартириш;
- меҳнат мигрантларини тизимли ишга жойлаштириш, уларнинг оилаларини жойларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;
- фуқароларни хорижга ишлашга юборишдан олдин касб-хунар ва хорижий тилларга ўргатиш, уларнинг хорижда касбий малакасини тасдиқловчи сертификатлар бериш тизимини жорий этиш;
- оғир аҳволда қолган меҳнат мигрантларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш;
- меҳнат муҳожирларининг ватанга қайтгандан кейин реинтеграцияси, уларнинг бандлигини таъминлаш, моддий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш.

References:

1. Бондырева С.К., Колесов Д.В. Миграция (сущность и явление). М.: Воронеж, 2004 г. – С.39
2. Доклад о миграции в мире 2020 // Электронный ресурс: <https://www.iom.int/wmr/>, режим доступа открытый, дата обращения 21.12.2020г.
3. Мухаммедов М. Меҳнат мигрантлари: муаммо жиддий, лекин ечими йўқ эмас. Иккинчи мақола / <https://kun.uz/news/2020/09/15/mehnat-migrantlari-muammo-jiddiy-lekin-yechimi-yoq-emas-ikkinchi-maqola>, режим доступа свободный.
4. Закон Республики Узбекистан «О занятости населения» / Национальная база данных законодательства, 20.10.2020 г., № 03/20/642/1396; 02.04.2021 г., № 03/21/681/0264; Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 31 декабря 2018 года № 1066 «О мерах по совершенствованию деятельности Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан» / Национальная база данных законодательства, 31.12.2018 г., № 09/18/1066/2428, 09.07.2019 г., № 07/19/566/3396, 07.09.2019 г., № 09/19/743/3710; 17.04.2020 г., № 09/20/234/0453.

5. Положение об Агентстве по внешней трудовой миграции при Министерстве занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан. Утверждено Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию и коренному пересмотру системы организованного трудоустройства граждан Республики Узбекистан за рубежом» // Национальная база данных законодательства, 13.09.2018 г., № 09/18/725/1874; 31.12.2018 г., № 09/18/1066/2428, 11.08.2019 г., № 09/19/661/3571; 01.01.2020 г., № 07/20/4555/4257, 04.06.2020 г., № 10/20/3238/0712; 03.12.2020 г., № 09/20/764/1591.